

## Муштарак масаласи



12:08 / 15 январь 340

Мерос илмида тарикани тақсим қилишни аввало фарз эгаларидан, сўнгра асабалардан бошлишимиз эргашиш лозим бўлган қоидалардандир. Фарз эгалари асабалардан олдинга қўйилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадислари шуни тақозо қиласди:

????? ?????? ???????? ?????? ?????? ?????? ????????

?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????:

«????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????? ?????

????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ??????».

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Фароизларни ўз аҳлига эриштиринглар, қолгани эса энг яқин эркак қариндошга**», дедилар» (Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган).

Лекин «Муштарак масала» ушбу қоидадан чиқиб, барча эргашадиган аслга хилофдир. Аслида фарз эгаси ўз улушкини олгач, қолган тарикани асаба олиши лозим эди. Шунинг учун «Муштарак масала»ни алоҳида зикр қилинади. Саҳобалар, тобеъинлар ва мужтаҳид имомлар бу масала хусусида турли фикрда бўлишган (Аллоҳ улардан рози бўлсин).

**Масаланинг сурати.** Бир аёл вафот этиб, ортидан эр, она, она бир икки ёки ундан кўп aka ёки ука ва туғишган бир ёки ундан кўп aka ёки ука қолган. Эрга ярим, онага олтидан бир, она бир акаларга учдан бир қисм берилса, туғишган aka-укаларга ҳеч нарса қолмайди. Ваҳоланки, улар асабадирлар. Шу билан бирга, уларнинг қариндошлиқ қуввати она бир aka-укаларнидан кўра кучлироқдир. Она бир aka-укалар билан она тарафдан қариндошлиқда шерик бўлсалар, уларда яна ота тарафдан қариндошлиқ қуввати ҳам бор. Шунинг учун она бир aka-укаларга учдан бирда шерик бўладилар. Уларнинг барчаси она бир aka-укалар деб ҳисоб қилинади ва улардаги эркак-аёллар teng кўрилади.

#### **«Ислом шариатида мерос илми» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хуносалари асосида тайёрланган.